

## Москвадаги мадрасада илмий-амалий учрашув бўлиб ўтди



10:02 / 16.10.2018 3131

Жорий йилнинг 13 октябрь куни Россиянинг Москва шаҳрида жойлашган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги мадрасада Одинахон Муҳаммад Юсуф билан учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур давра суҳбатида Одинахон Муҳаммад Юсуф Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб бўлган “Бахтиёр оила” китобига бағишланган маъруза билан қатнашди.

Маърузадан сўнг савол-жавобларга ўтилди. Унда талоқ масаласи, закот, иккинчи хотин, ҳомиладор бўлолмайдиганлар учун шариат асосида сунъий бола орттириш, психологга мурожаат қилиш борасида шариатнинг рухсати, мерос каби қатор масалаларга оид берилган саволларга Одинахон

Муҳаммад Юсуф батафсил жавоб қайтарди.

Йиғилиш барчада катта қизиқиш уйғотиши билан бир қаторда, унутилмас таассурот ҳам қолдирди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**